


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲУКМ**

2026 йил февраль ойининг 20 кунини жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи, судья С.Содиқов, судья ёрдамчиси А.Бурановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Миробод туман прокурорининг ёрдамчиси Н.Ахмедов, судланувчи Ж.Алиев ва унинг адвокати Ф.Сайсултановнинг иштирокида, Алиев Жамшид Содиқ ўғлига нисбатан [REDACTED]-сонли жиноят иши юзасидан жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Ж.Алиев илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноят содир этган бўлишига қарамасдан ўзига тегишли хулоса чиқармай, 2025 йил 4 декабрь кунини соат 19.30 да, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Баратхўжа МФЙ ҳудудида бўлган вақтида ўзини шубҳали тутганлиги сабабли, Миробод тумани ИИО



ФМБ ЖҚБ ва ЖТСБ ППХ ходимлари томонидан гиёҳвандлик моддалари ноқонуний сақлашда гумон қилиниб, тўхтатилиб, холислар иштирокида ёни кўздан кечирилганида, Ж.Алиевнинг ёнидан 1 дона қора рангли изолентага ўралган шаффоф полиэтилен пакет ичида оқ рангли кукунсимон моддасини келгусида бошқа шахсларга ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, бу моддалар ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 07.12.2025 йилдаги судга оид кимёвий экспертизаси 4519-сонли хулосасига кўра, Ж.Алиевдан олинган модда умумий оғирлиги 0,2528 граммни ташкил қилган, таркибида фаол гиёҳванд модда “альфа-пирролидиновалерофенон” мавжуд бўлган гиёҳвандлик воситаси эканлиги аниқланган.

Судланувчи Ж.Алиев суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қуйидагиларни, яъни 2025 йил 4 декабрь куни Миробод тумани, Баротхўжа МФЙ ҳудудига гиёҳвандлик моддасини олиш учун борганини, сўнг унга берилган локация бўйича жойида, яъни дарахт ковагидан гиёҳвандлик моддасини олганида, унинг олдида фуқаролик кийимида бўлган шахслар келиб, уни ушлашганини ҳамда ёнида нима тақиқланган нарса борлигини сўрашганини, у ўзини таништириб, ёнида гиёҳвандлик моддаси борлигини айтиб, шу ердан олган гиёҳвандлик моддасини тақдим қилганини, ушбу гиёҳвандлик моддаси қора рангли изолентага ўралган ҳолатда бўлганини ва ИИБ ходимлари томонидан холислар иштирокида баённома асосида ҳужжатлаштириб олинганини, ҳозирги кунда қилмишидан пушаймонлигини, келишувга ўз ихтиёри билан рози бўлганини, уни оилавий шароитини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Бундан ташқари, судланувчи Ж.Алиевнинг айби суд мажлисига ҳозир бўлмаган гувоҳ С.Смадияровнинг тарафлар розилиги билан тергов даврида берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилганида судланувчи томонидан тасдиқланганлиги, шунингдек ашёвий далилни олиш, кўздан кечириш баённомалари, экспертиза хулосалари, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори ҳамда жиноят ишида тўпланган далиллар билан ўз исботини топади.

Суд, судланувчи Ж.Алиевнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а, б” банди, илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноят содир этган шахс томонидан гиёҳвандлик воситаларини кўп миқдорда, ўтказиш мақсадини кўзламасдан, қонунга хилоф равишда эгаллаш, ташиш ва сақлашда ифодаланган аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча



ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида Инсонпарварлик принципи белгиланган бўлиб, унга кўра - жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида Одиллик принципи белгиланган бўлиб, унга кўра - жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб;

-мазкур Пленум Қарорининг 3-бандида “жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”деб;

-мазкур Пленум Қарорининг 4-бандида “қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт. Объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга - судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги ҳулқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к. лар киради” деб тушунтириш берилган.

Жиноят иши ҳужжатларидан судланувчи Ж.Алиев ва Миробод туман прокурори ўртасида айбига иқrorлик тўғрисида келишув тузилганини, келишув тузилишида Ж.Алиевнинг ўзи иштирок этганлиги, келишув унинг хоҳишига кўра тузилганлиги, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 586¹-моддасида назарда тутилган талаблари ва оқибатлари тушунтирилганлиги кўринади.

Шу сабабли суд, Миробод туман прокурори ва судланувчи Ж.Алиевлар ўртасида тузилган айбига иқrorлик келишувини тасдиқлашни лозим топади.

Суд, судланувчи Ж.Алиевга жазо тури ва муддати тайинлашда унинг шахсини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, у ва Миробод туман прокурори ўртасида айбига иқrorлик келишуви тузилганини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятларда содир



этганини ЖКнинг 56-моддасига мувофиқ жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, жазони бошқа енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳамда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари билан ЖКнинг 57²-моддаси тартибида модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосинги энг кам қисмидан ҳам камроғини тайинлашни, шунингдек мазкур жиноий ҳаракатларини Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2024 йил 8 февралдаги ҳукми билан тайинланган жазодан муддатидан илгари шартли озод этилган бўлишига ҳамда шартли озод қилинган муддат тугалланмасдан содир этганини инобатга олиб, унга ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида узил-кесил жазо тайинлашни ҳамда ЖКнинг 50-моддаси тартибида тайинланган жазони манзил-колониясида ўтаттиришни белгилашни лозим топади.

Бундан ташқари, суд Тошкент шаҳар наркология марказининг 2025 йил 15 декабрдаги 3410-сонли далолатномасида, Ж.Алиев гиёҳвандлик ва токсикоманияга чалинганлиги, гиёҳвандлик (а-PVP, мефедрон) ва токсикомания (прегабалин, гебапентин)дан даволанишга муҳтожлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ жойида гиёҳвандлик (а-PVP, мефедрон) ва токсикомания (прегабалин, гебапентин)га қарши мажбурий даволаниш чораларини қўллашни лозим топади.

Шу билан бирга суд, жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган, тадқиқотдан қолган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга топширилган 0,2428 грамм, таркибида а-PVP мавжуд бўлган моддани йўқ қилишни, 1 дона “Редми” русумли телефон апаратларини Ж.Алиевнинг яқин қариндошларига қайтариб беришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 28-моддаси ҳамда ЖПКнинг 454-460, 465, 472-моддаларини қўллаб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а, б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва шу модда билан унга ЖКнинг 57²-моддаси тартибида 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2024 йил 8 февралдаги ҳукми билан тайинланган жазони ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан Ж.Алиевга ўташлик учун 2 (икки) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан Ж.Алиевга нисбатан жазони ўташ жойларида гиёҳвандлик (а-PVP, мефедрон) ва



токсикомания (прегабалин, гебапентин)га қарши мажбурий даволаниш чоралари қўлланилсин.

Тайинланган жазо манзил-колониясида ўтаттирилсин.

Жазо муддати 2025 йил 14 декабрдан бошлаб ҳисоблансин.

Ж.Алиевга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Айбига иқрорлик келишуви тасдиқлансин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган, тадқиқотдан қолган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга топширилган 0,2428 грамм, таркибида а-PVP мавжуд бўлган модда ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона “Редми” русумли телефон апарати ҳукм қонуний кучга киргач Ж.Алиевнинг яқин қариндошларига қайтариб берилсин.

Апелляция шикояти ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи томонидан эса унга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация шикояти ва протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

С.Содиқов

Нусхаси аслига тўғри:

